

**МИГРАЦИЯ ВА ФУҚАРОЛИКНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ СОҲАСИДА
АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИСЛОҲОТЛАР – ИНСОН ҚАДРИ УЧУН****Хўжаярова Нилуфар Нemat қизи**

Ўзбекистон Республикаси ИИБ

Академияси мустақил изланувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7544697>

Аннотация. Мазкур мақолада ички ишлар органларининг миграция ва фуқароликни расмийлаштириш соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар, ички ва ташқи миграция бўйича республикада қабул қилинаётган норматив - ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда уларнинг долзарблик жиҳатлари, хорижий тажриба атрофлича ўрганиб чиқилган.

Калит сўзлар: миграция, фуқаролик, ислоҳотлар, инсон қадрлари учун, ички ишлар органлари.

Жамиятда барқарорлик, тинчлик ва осойишталикни қарор топтириш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларига сўзсиз риоя этилишини таъминлаш мамлакатни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан янада ривожлантириш, аҳоли фаровонлигини юксалтириш, ҳуқуқий демократик давлат қуриш бўйича амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлардан кўзланган мақсадларга эришишнинг муҳим шарти ҳисобланади.

Дунё миқёсидаги мураккаб жараёнларни ва мамлакатимиз босиб ўтган тараққиёт натижаларини чуқур таҳлил қилинган ҳолда кейинги йилларда «Инсон қадрлари учун» тамойили асосида халқимизнинг фаровонлигини янада ошириш, ички ишлар тизимида фуқароларга кўрсатиладиган давлат хизматларининг сифатини янада ошириш, коррупция, бюрократияга олиб келиши мумкин бўлган инсон омилини мазкур жараёнларда камайтириш мақсадида рақамлаштириш вазифалари белгилаб ўтилган “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Президент Фармони қабул қилди.

Тараққиёт стратегияси доирасида ички ишлар органларини халқнинг ишончли ҳимоячиси сифатида халқчил профессионал тузилмага айлантириш ҳам кўзда тутилган бўлиб, уларнинг амалдаги ижросини таъминлаш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 4 та, Ҳукуматнинг 5 та қарорлари ва Ички ишлар вазирининг 3 та буйруғи имзоланди. Шунингдек, миграция ва фуқароликни расмийлаштириш соҳасида давлат хизматларини кўрсатиш йўналишида ички ишлар органларининг аҳоли билан мақсадли ишлашга, инсон кадр-қиммати, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини самарали ҳимоя қилишга йўналтирилган тизим сифатида шакллантириш назарда тутилади.

Зеро, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 25 октябрда “Ички ишлар органлари ходимлари куни” муносабати билан йўллаган байрам табригида ҳам “Янги Ўзбекистонда **“Инсон қадрлари учун”** деган эзгу тамойил асосида олиб бораётган ислоҳотларимизни ҳаётга муваффақиятли жорий этишда ички ишлар тизими ходимлари давлатимиз ва жамиятимизнинг мустаҳкам таянчи бўлиб хизмат қилмоқда”[1] дея ишонч билдирган.

Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегиясида ички ишлар органларининг миграция ва фуқароликни расмийлаштириш соҳасида давлат хизматларини кўрсатиш фаолиятининг самарадорлигини ошириш мақсадида **“Электрон ҳукумат” тизимини**

ривожлантириш, электрон давлат хизматларининг улушини 100 фоизга етказиш ҳамда бюрократияни бартараф этиш [2] 9-мақсад сифатида бир қатор вазифалар белгилаб берилган. Жумладан:

- давлат хизматларини мобил иловалар орқали кўрсатишни кенгайтириш;
- давлат хизматларини кўрсатишда шахсни идентификация қилишнинг Mobile ID тизимини жорий қилиш;
- «Электрон ҳукумат» тизими идоралараро интеграциялашув платформаси орқали давлат органлари ҳамда хусусий тижорат ташкилотлари ўртасида маълумот алмашинувини йўлга қўйиш асосида бюрократик жараёнларни қисқартириш;
- шахсга доир маълумотларнинг ҳимоясини таъминлайдиган рухсат бериш ҳамда хабардор қилиш тизимини жорий этиш;
- фуқароларга муддатли, муайян фактни тасдиқловчи ҳужжатларни бериш ва алмаштиришни ҳамда композит давлат хизматларини уларнинг мурожаатини кутмасдан туриб таклиф этиш амалиётини йўлга қўйиш;
- кекса ва ногиронлиги бўлган шахсларга давлат хизматлари кўрсатишни соддалаштириш, уларга қулайликлар яратиш;
- «Рақамли идора» лойиҳаси доирасида давлат органларида иш юритувини рақамлаштириш орқали маъмурий тартиб-таомилларни оптималлаштириш ва бошқарув жараёнини автоматлаштириш;
- «Фуқароларнинг рақамли паспорти» лойиҳасини жорий қилиш ҳисобига аҳолидан муайян фактларни тасдиқловчи ҳужжатларни талаб қилиш амалиётини бекор қилиш;
- хориждаги Ўзбекистон фуқароларига давлат хизматларини кўрсатиш амалиётини кенгайтириш;
- давлат хизматларини рақамлаштириш ва уларнинг 20 фоизини хусусий секторга ўтказиш.

Юқорида санаб ўтилган хизматлар Ички ишлар органларининг миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлинмалари томонидан амалга оширилиб, **“Инсон қадри учун”** тамойили асосида олиб борилаётган ислохотларни ўзида акс эттирган ҳолда, бу борада бюрократизм, сансалорлик ва бошқа маъмурий тўсиқларни бартараф этиш, эскирган ва замон талабларига мос келмайдиган тартиб-таомилларни тубдан қисқартиришга қаратилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат хизматлари кўрсатишни соддалаштириш, бюрократик тўсиқларни қисқартириш ҳамда давлат хизматлари кўрсатиш миллий тизимини ривожлантиришнинг қўшимча чоратадбирлари тўғрисида” ги ПФ-113-сон фармони 2022 йил 21 апрелда қабул қилинди.

Мазкур фармон асосида, Ички ишлар органларининг миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлинмалари томонидан кўрсатиладиган давлат хизматлари такомиллаштириш бўйича устувор вазифалар белгилаб олинди:

биринчидан, ахборот-коммуникация технологиялари имкониятларини кенгайтирган ҳолда, аҳолининг электрон давлат хизматларидан фойдаланиш даражасини кескин ошириш ҳамда иш юритишни «қоғозсиз» тамойил асосида иш юритиш;

иккинчидан, жисмоний имконияти чекланган ва ногиронлиги бўлган шахсларга давлат хизматларини кўрсатишда инклюзив муҳитнинг яратиш;

учунчидан, жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами жорий этилганлигини инобатга олган ҳолда, фуқаронинг фамилия, исмини ўзгартириш хизматини рақамлаштириш;

тўртинчидан, фуқаронинг ID-картаси (паспорти), хорижга чиқиш биометрик паспорти ҳамда ҳайдовчилик гувоҳномасининг амал қилиш муддати тугаганлиги муносабати билан уларни янгисига алмаштириш билан боғлиқ хабарномалар юборишни йўлга қўйиш;

бешинчидан, жисмоний шахсларга бериладиган идентификация ID-картасидан фойдаланиш инфратузилмасини ривожлантириш ҳамда давлат хизматларини кўрсатишда уни идентификация ва верификация воситаси сифатида кенг қўллаш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

олтинчидан, туғилиши қайд этилмаган ва туғилганлиги ҳақида тиббий маълумотномаси бўлмаган шахсларнинг туғилганлигини соддалаштирилган тартибда қайд қилиш бўйича бир марталик акция ўтказиш.

еттинчидан, фуқаролик паспорти, идентификацияловчи ID-карта ва ҳайдовчилик гувоҳномасининг амал қилиш муддати яқунланиши тўғрисида хабардор қилиш.

References:

1. Ички ишлар органлари ходимлари ва фахрийларига (president.uz).
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сонли фармони Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2022 й., 06/22/113/0330-сон.